

---

## МАРҒИЛОНДА “БУЮК ИПАК ЙЎЛИ” ХАЛҚАРО ФОЛЬКЛОР МУСИҚА ФЕСТИВАЛИНИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИ БЎЛИБ ЎТДИ

Марғилон шаҳридаги “Ижодкорлар боғи” да II “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивалининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Халқаро Туркий маданият ташкилоти – ТУРКСОЙ Бош котиби Султон Раев, Маданият ва туризм вазирининг ўринбосари Баҳодир Аҳмедов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Хуршид Аҳмедов иштирок этдилар.

Сўз олганлар томонидан Давлатимиз раҳбари бошчилигида сўнгги йилларда Ўзбекистонда олиб борилаётган улкан ислохотлар доирасида халқнинг миллий ўзлигини, қадимий тарихи ва тилини, унинг ҳаёт тарзи, анъана ва урф-одатларини ўзида мужассам этадиган, умумбашарий маданиятнинг ажралмас қисми сифатида тан олинган фольклор санъатининг ривожига алоҳида эътибор берилаётгани алоҳида қайд этилди.

Фольклор санъатига эътибор ва қизиқишни ошириш – “оммавий маданият”, шоу-бизнеснинг салбий таъсири дунёда тобора кучайиб бораётган бир шароитда ёш авлодни миллий ўзликни англаш, тарихий меросга ҳурмат руҳида тарбиялашда муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Фестивалга юртимизнинг барча ҳудудларидан шунингдек, қўшни Қозоғистон ва Қирғизистондан жами 20 га яқин ижодий жамоалар, 200 нафарга яқин халқ ижодиёти намояндалари, санъат ва маданият арбоблари, маданий тадбирларга эса яна ўнлаб вилоятимиз фольклор жамоалари жалб этилгани маълум қилинди.

Шундан сўнг таниқли хонандалар, машҳур ашула ва рақс ансамбллари томонидан тайёрланган чиқишлар, турли тилларда янграган қўшиқлар, бетакрор миллий рақслар барчага кўтаринки кайфият бағишлади.

Фестивалнинг илк куни Марғилон осмони узра порлаган ранг-баранг ва ёрқин мушаклар билан яқунланди.

Маълумот ўрнида 3 кун давом этадиган “Буюк ипак йўли” халқаро фольклор мусиқа фестивали давомида бадиий кечалар, ижодий учрашувлар ва маҳорат дарслари, хорижий ва Ўзбекистон фольклор жамоаларининг Халқаро кўрик-танлови ҳамда сайллар ўтказилиши режалаштирилган. Тантанали тақдирлаш маросими ва гала-концерт билан фестиваль ниҳояланади.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-05-30 09:12:04